

**ЯЪКУБИЙНИНГ “ТАЪРИХ” АСАРИ ФАРГОНА ТАРИХИНИ ТАДҚИҚ
ЭТИШДА МУҲИМ МАНБА**

Юлдашев Сайданварбек Баҳромжон ўғли,

Жаҳон тарихи кафедраси

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Фарғона Давлат университети

bahromzoda_turkzod@mail.ru

Аннотация:

Мақолада тарихий манбалар ва адабиётларга асосланган холда Фарғона тарихининг ўрта асрлар даврини тадқиқ этишда муҳим манба Яъкубийнинг “Таърих” асари таҳлил этилган. Араблар истилоси даврида Фарғона юз берган тарихий воқеалар, бўлиб ўтган йирик жанглар ва сиёсий жараёнларни ўрганишда ушбу асарнинг аҳамияти кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Яъкубий, Таърих, Қутайба ибн Муслим, араблар, Фарғона, Кува, Хитой, Сирдарё, Сулаймон, Ал-Ҳажжож.

1. Долзарблиги:

Фарғонанинг V – X асрлар тарихи тўғрисида маълумот берувчи манбаларнинг асосий қисмини араб тилида ёзилган асарлар ташкил этади. Улар қаторига Балазурӣ (820 – 892)нинг “Футух ал-булдон”, Диноварийнинг (828 – 896) “Китоб ал-ахбор ат-тивол”, Яъкубий (IX аср)нинг “Таърих” ва “Китоб ал-булдон”, Табарий (839 – 923) қаламига мансуб “Тарихи ар-русул ва-л-мулук”, Хурдодбех (820 – 913)нинг “Масолик ал-мамолик”, Ал-Истахрий (850 – 934)нинг “Китоб масолик ва-л-мамолик”, Маъсудий (896 – 956)нинг “Муруж аз-заҳаб”, Ибн ал-Фақих (IX – X асрлар)нинг “Китоб ахбор ал-булдон”, Ибн Ҳавқал (X аср) томонидан ёзилган “Китоб сурат ул-арз”, Ибн ан-Надим (X аср)нинг “Китоб ал-фиҳрист”, Муқаддасий (947 – 1000)нинг “Аҳсан ал-тақосим фи маърифат ал-ақолим”, Мисқавайҳ (X – XI асрлар) томонидан битилган “Тажарib ал-умам”, Утбий (961 – 1037) томонидан ёзилган “Тарихи Йаминий”, Нажмуддин ан-Насафий (1067 – 1142)нинг “Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд”, Ас-Самъоний (1113 – 1167)нинг “Китоб ал-ансоб”, Ибн ал-Асир (1160 – 1234)нинг “Ал-комил фи-т-тарих”, Ибн ал-Қифтий (1172 – 1248) томонидан битилган “Тарих ал-ҳукамо”, Яқут Ҳамавий (1179 – 1229) қаламига мансуб “Муъжам ал-булдон”, Ибн Ҳаллиқон (1211 – 1282)нинг “Вафоёт ал-аъён ва анбау ал-замон” асарларини¹ киритишими мумкин.

¹ Ibnu'l Esir. Islam tarihi. El Kamil Fi't Tarih Tercumesi. / Ceviren Yunus Apaydin. – Cilt 6. – Istambul: Turkiyat matbaacilik ve nesriyat, 1986. – 492 s; Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-Таърих (Полный свод истории) // Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г. Булгакова. Дополнения к переводу, примечания и комментарии, введение и указатели Ш.С. Камолиддина. – Ташкент: Узбекистан, 2006. – 559 с; El-Belâzurî, Ahmed b. Yahya. Futuh-ul-Buldan. Tercüme Prof. Dr. Mustafa Fayda. – Istanbul: Siyeryayinlari, 2013. – 657 s; Al-Balazuri. Liber_expugnationis regionum, auctore Imamo Ahmed ibn Jahja ibn Djabir al-Belol, quem a codice Leidensi et codice Musei Britannici ed. M.J.de Goeje, Lunduni Batavorum, 1866. – 1376 p; Ал-

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Юқорида номлари санаб ўтилган тарихчилар орасида ал-Яъкубий алоҳида ўрин тутади. Унинг тўлиқ исми Абу-л-аббос Аҳмад ибн Абу Яқуб ибн Жаъфар ибн Вахб ибн Вадиҳ ибн ал Котиб ал-Аббосийдир. Афсуски, унинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар ҳозирга қадар деярли етиб келмаган. Манбаларда сақланган олим тўғрисидаги кам сонли маълумотларга кўра, Ал-Яъкубий IX асрда Бағдодда Аббосийлар сулоласига қариндош хонадонда таваллуд топган. Ёшлик йиллари Арманистонда ўтган тарихчи, кейинчалик Хурисонга келиб Тоҳирийлар хизматига киради. 873 йилда Тоҳирийлар ҳокимиятдан кетгач, ал-Яъкубий Ҳиндистонга саёҳат қиласди. Ҳиндистондан Мисрга, у ердан эса Мағрибга ўтган. Олим ўз саёҳатлари асосида “Китоб ал-булдон”² ва “Таърих” номли асарлар яратган. Улардан Фарғона тарихига оид учун муҳим маълумот берувчи асар – “Таърих” китоби бўлиб, умумий тарих тирида ёзилган. Асарнинг араб тилидаги дастлабки танқидий матни 1883 йилда голланд шарқшунос олими М.Т.Хаустма³ (1851 – 1943) томонидан чоп этилган. Биз мақолани тайёрлашда ушбу нашрдан фойдаландик.

Асар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда Одам Атодан Арабистонда ислом дини жорий этилгунга қадар бўлган давр тарихи⁴, иккинчисида эса мусулмон мамлакатларининг 872/873 йилгача бўлган тарихи баён этилган. Муҳим жиҳати, Суғд, Шош, турклар, қарлуқлар ва Фарғона тўғрисидаги маълумотлар ҳар икки қисмда ҳам учрайди⁵. Асарнинг биринчи қисмida келтирилган Фарғона ҳақидаги маълумотлардан ал-

Балазури, Ахмед ибн Йахъя ибн Джабир. Завоевание Хорасана (извлечение из сочинения «Футух ал-Булдан») Перевод с арабского языка, введение, комментарии и указатели Г.Гоипова. – Душанбе: Дониш, 1987. – 111 с; Al-Makdisi. Descriptio imperii moslemici auctore Schamso'd-din Abu Abdullah Mohammed ibn Ahmed ibn abi Bekr al-Banna al-Basschari al-Mokaddasi. Ed. M. J. de Goeje, Lunduni Batavorum, 1877; ed. 2: 1906. – 514 р; Абу Бакр Наршахий. Бухоро тарихи. Форс тилидан А.Расулов таржимаси. Масъул муҳаррир А.Ўринбоев // Мерос. – Ташкент. Камалак, 1991; Ас-Самъоний, Абдулкарим. Насабнома. Таржимонлар: Ҳожи Абдулғафур Рассоқ Бухорий, Комилжон Раҳимов. – Тошкент, 2017. – 273 б; Насафий, Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад. Ал-Канд фий зикри уламои Самарқанд / Араб тилидан таржима Усмонхон Темурхон ўғли ва Бахтиёр Набиҳон ўғлини. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. – 304 б; The History of al-Tabari. / Translated by Carole Hillenbrand. – Vol. 26. – New York. State University of New York Press, 1989. – 300 р; The History of al-Tabari. / Translated by John Alden Williams. – Vol. 27. – New York. State University of New York Press, 1985. – 250 р; Abu Nasr Utbiy. Kitobi Yamini. Translated from the Persian version of the contem for arly arabic chronicle of Al Utbi, by the rev. James Reynolds, b.a. – London: Printed for the oriental translation fund of Great Britain and Ireland. 1891; Ибн Ҳавқал. Китаб сурат ул-ард. Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Ш. С. Камолиддин. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. – 400 б; Ибн Ҳауқал. Китаб сурат ул-арз (пер. с арабского О. Б. Фроловой) // Материалы по истории Средней и Центральной Азии X-XIX вв. – Ташкент: Фан, 1988; Rudhrawari, Abu Shuja', Hilal b. Muhassin. The Experiences of the Nations. Edited, translated, and elucidated by H.F.Amedroz and D.S.Margoliouth. – Oxford: Basil Blackwell, 1921. – 504 р; Йакут Ҳамави. Муджам ал-булдан. 8 т. Бейрут, 1956.

2 Яъкубий. Kitab al-buldan. Kitab al-a'lak an-nafisa VII auctore Abu Ali Ahmed ibn Omar ibn Rosteh et Kitab al-boldan auctore Ahmed ibn Abu Jakub ibn Wadhih al-Kitab al-Yakubi. Ed. M.J. De Goeje, ed 2, Lunduni Batavorum, 1892.

³Яъкубий. Таърих. Ibn Wadhih qui dicitur al-Ja'qubi. Historiae Ed. M.Th.Haustma, pars 1, historiam anteislamicam continents; pars 2, historiam islamicam continents. Lunduni Batavorum, 1883 (кейинги ўринларда – Яъкубий. Таърих.).

⁴ Яъкубий. Таърих. I. – P. 2-3.

⁵ Яъкубий. Таърих. II. – P. 204-208.

Маъсудий ўзининг “Муруж аз-заҳаб” асарини ёзишда фойдаланган⁶. Бу асарнинг бирламчи манба сифатидаги аҳамиятини яна ҳам оширади.

Фарғонанинг араблар истилоси тарихи тўғрисида қимматли маълумотлар “Таърих”нинг иккинчи қисмидан ўрин олган. Асарнинг “Айнами Сулаймон бин Абдулмалик” (Халифа Сулаймон ибн Абдумалик*нинг ҳукмронлик даври) деб номланган бобидан бошлаб Фарғона тўғрисидаги маълумотлар учрайди⁷. Жумладан, Қутайба ибн Муслим (669 – 715)нинг халифа Сулаймон (674 – 717)га қарши Фарғонада кўтарилиган исёни тўғрисидаги муҳим маълумотлар ушбу бобдан ўрин олган⁸. Яъқубийнинг қайд этишича, Қутайба ибн Муслим ал-Ҳажжож* томонидан Хурросон ноиблигига тайинланган эди. Ал-Ҳажжож (661 – 714) эса халифа Волид (668 – 715)нинг ишонган кишиларидан бири хисобланган. Халифа Сулаймон таҳтга келган вақтдан бошлаб Волид ва ал-Ҳажжожнинг одамларини таъқиб этишни бошлайди. Бундан хабар топган Қутайба ўз ака – укалари ва қариндошларини араб бўлмаган ҳудудлар – ўзи етиб бормаган Фарғонанинг энг чекка ерларига юборади⁹. Айни воқелик борасида аввалроқ исми тилга олинган тарихчи Табарий бошқа маълумотни ёзиб қолдирган бўлиб, унга кўра Қутайба ўз яқинларини Марвдан Самарқандга кўчирган эди¹⁰.

Қутайбанинг қўл остидаги ҳарбийлардан Абдуллоҳ ибн Аҳтам Тамими қочиб халифа Сулаймондан (715 – 717) паноҳ топган эди. Шу сабабли Қутайба унинг яқинларини ўлдириб, қўл ва оёқларини кесишни буюради. Қутайба Сулаймонга мактуб йўллайди, аммо ундан хақоратли жавоб олгач Фарғонада исён кўтаради. Бироқ, тамими лар томонидан қўллаб-қувватланмаган Қутайба водийда Ҳайён Набатий томонидан ўлдирилади¹¹. Хурросонда Қутайба ишларини Вакиъ* ўз қўлига олади. Вакиъ Қутайба ва унинг яқинлари бошларини Сулаймонга жўнатади. Бу ишлар ҳижрий 96 йил*да бўлиб ўтганлиги таъкидланади.

⁶ El-Mas'udi. Historical ensiclopedia entitled Meadows of gold and mines of gems. Translated from the Arabic by Aloys Sprenger. Vol. I. London: Printed for the oriental translation fund of Great Britain and Ireland, 1841. – P. 310-312.

* Изоҳ 1.: Сулаймон ибн Абдумалик – 715 – 717 йиллада ҳукмронлик қилган Уммавий халифа.

Абдумалик ибн Марвоннинг ўғли ва Волид I нинг кичик укаси. Акаси Волиднинг халифалик йилларида у Фаластин ноиби сифатида фаолият кўрсатган. Истроидаги Рамла шаҳрининг асосчиси. 717 йил сентябр ойида Суриядаги Дабик қишлоғи яқинидаги қароргоҳида касалланиб вафот этган. Қаранг: Большаков О.Г. История Халифата. Т.4. Апогей и паденгие. – Москва: Восточная литература РАН, 2010. – С. 124-135.

⁷ Яъқубий. Таърих. II. – P. 352.

⁸ Яъқубий. Таърих. II. – P. 354.

* Изоҳ 2.: Абу Мұхаммад ал-Ҳажжож ибн Юсуф ас-Сакафий – 694-714 йилларда Ироқни идора этган Умавийлар ноиби, араб саркардаси. Қаранг: Большаков О.Г. История Халифата. Т.4. Апогей и паденгие. – Москва: Восточная литература РАН, 2010. – С. 12.

⁹ Яъқубий. Таърих. II. – P. 354.

¹⁰ The History of al-Tabari. / Translated by Martin Hinds. – Vol. 23. – New York. State University of New York Press, 1990. – P. 222.

¹¹ Яъқубий. Таърих. Pars 2. P.354., The History of al-Tabari. Vol. 23. – P. 224.

* Изоҳ 3.: Абу Мутарриф Вакиъ ибн Аби Суд Тамими – Тамими қабиласидан бўлган Қутайбадан кейин Хурросон ноиби этиб тайинланган халифа Сулаймоннинг тарафдори. Унинг ноиблигига тўққиз ой давом этган. Қаранг: Яъқубий. Таърих. II. – P. 354.

* 714 йилнинг 16-сентябридан – 715 йилнинг 4-сенябрригача.

3. Тадқиқот натижалари:

Яъкубий асарида келтирилган Қутайбанинг ўз оиласини Фарғонанинг ҳали араблар етиб бормаган қисмига юборганлиги тўғрисидаги қайдлар муҳим бўлиб, ушбу маълумот ҳозирги кунгача тарихшунослигимизда Фарғона араблар томонидан 715 йилда Қутайба бошчилигига эгалланган, деган фикрнинг нотўғрилигини ҳамда уни қайта кўриб чиқиш кераклигини англатади.

Яъкубийнинг асарида суғдийлар кўзғолони вақтида Хўжанднинг араблар томонидан эгалланиши ҳақида маълумотларни учратамиз¹². Унда айтилишича, Маслама* Хуросонга Саид ибн Абдулазиз*ни ноиб этиб тайнинлагач, янги ноиб Самарқандга йўл олади ва у ерда қароргоҳ тиклади. Фарғона маликаси* Самарқандга Саид ибн Абдулазиз хузурига элчи юбориб, агар араблар Фарғонага кўшин юбормаса, суғдийларга қарши курашда арабларга ёрдам беришини айтади. Малика шунингдек “суғдлар ерларини тарк этиб, Хўжандда тўхтадилар ва араблар билан сулҳ тузгунча ёки бошқа ерга кетгунча биздан уларни вақтинча бизнинг еримизга (Фарғонгага) киритишимизни сўрадилар. Хўжандда уларнинг ейдиган ва ичадиган ҳеч нарсаси йўқ, ўзларини ҳимоя қилиш учун ҳам курол-яроқлари йўқ. Агар сиз уларга хужум қилмоқчи бўлсангиз, ҳозир бунинг айни вақтидир”, – деди¹³. Бунга жавобан Саид ибн Абдулазиз саркадаларидан бири Савро ибн Хур ал-Доримиийни Хўжандга юборади. Ўзи ҳам йўлга чиқиб, Хўжандда Савро ибн Хур ал-Доримиий билан бирлашади ва шаҳарни эгаллайди¹⁴.

Аммо, Яъкубий Саид Хузайнанинг Хўжанддаги ҳарбий ҳаракатларини ёзишда хатоликка йўл қўйган. Тўғри, у Моворауннаҳрга кўшин тортиб келади, аммо ҳал қилувчи зарбани Саид ал-Хароший йўллайди. Сабаби айни вақтда Саид ибн Абдулазиз Хуросон ноиблигидан тушурилиб ўрнига Саид ал-Хароший тайнинланган эди¹⁵. Бундан ташқари, Суғдийлар кўзғолони даврида Хўжанд шаҳри Саид Хузайна эмас, балки Саид Хароший томонидан жанг қилиб эгалланган эди. Бу борада, ал – Якубий йўл қўйган яна бир

¹² Яъкубий. Таърих. II. – Р. 373.

* Изоҳ 4.: Маслама ибн Абдулмалик – VIII асрнинг биринчи ярмида яшаган араб саркардаси. Халифа Абдулмалик ибн Марвоннинг канизакдан туғилган ўғли, халифалар Волид ва Хишомларнинг укаси. Онаси канизак бўлгани учун у тахтга эгалик қилишга хақли эмас эди ва у бир умр тахтга даъвогарлик қилмади. 720-721 йилда рўй берган Язид ибн Мухаллаб қўзғолонидан кейин Ирок ноиби этиб тайнинланган. Одатда Хуросон ноибларини Ирок ноиблари тайнинлар эдилар. Маслама 738 йили Суриядаги ҳарбий юриш вақтида ҳалок бўлган. Қаранг: Rotter G.n.'Maslama b. 'abd al-Malik b. Marwān', in Encyclopaedia of Islam. Leiden: Brill, 1991. – Р. 740.

* Изоҳ 5.: Саид ибн Абдулазиз – Маслама томонидан тайнинланган Хуросон ноиби. Унинг бошқаруви даври манбаларда Ўрта Осиёда араблар хукмронлигининг пасайишига сабаблардан бири сифатида кўрсатилиди. Чунки Маслама ибн Абдулмалик салоҳиятли бўлмаса-да, аммо ўзининг қариндоши бўлган Саид ибн Абдулазизни бундай масъулиятли лавозимга тайнинлаган. У ҳалқ орасида “хузайна” – уй бекаси номини олган эди. Қаранг: Большаков О.Г. История Халифата. Т.4. Апогей и паденгие. – Москва: Восточная литература РАН, 2010. – С. 145-154.

* Изоҳ 6.: Тарихчи Фарғона маликаси деганда Фарғона подшоҳи Алутарнинг онасини назарда тутган бўлса керак. Қаранг: The History of al-Tabari. / Translated by David Stephan Powers. – Vol. 24. – New York: State University of New York Press, 1989 – Р. 169 – 170.

¹³ Яъкубий. Таърих. II. – Р. 373.

¹⁴ Яъкубий. Таърих. II. – Р. 373.

¹⁵ История ат-Табари. Пер. с араб. В.И. Беляева с дополн. О.Г. Большакова, А.Б. Халидова. – Ташкент: Фан, 1987. – С. 184-188

чалкашлик шунда эдики, араблар билан Фарғона маликаси эмас, балки унинг ўша пайтдаги Фарғона подшоҳи Алутар музокара олиб боради. Алутарнинг онаси эса ўғлига араблар билан музокараларда тавсиялар берган, холос. Айни воқелик Табарий асарида батафсилроқ ёритилган.

Яъқубий муфассал бўлмаса-да, 723 йилда Муслим бинни Сайднинг Фарғонага қилган ҳарбий юриши ҳамда унинг мағлубиятга учраганиниг тўғрисида ҳикоя қиласиди¹⁶.

Асарда келтирилишича, халифа Мансур (754 – 775) томонидан Мансур ал-Лайс* Фарғонага юборилади. Ўша пайтда Фарғона хукмдори Фийрон ибн Афрокфарн эди*. Асарда келтирилган Фарғона ҳукмдорининг номи бошқа манбаларда учрамайди. Фарғона хукмдори ўша пайтда Қошғарда бўлиб, Қошғар “Таърих”да Фарғона ҳукмдорининг иккинчи қароргоҳи сифатида тилга олинади. Мансур ал-Лайс Фийрон ибн Афрокфарн билан қаттиқ кураш олиб баради. Натижада Фарғона қукмдори халифалик ҳокимиятини тан олади ва катта миқдорда ўлпон тўлашга рози бўлади¹⁷. Музокаралар ўтказиш учун Фарғона хукмдори Суғд ихшиди Гуракнинг кичик ўғли Банижур*ни жўнатади. Банижур 744 йилда Хитойга элчи сифатида йўл олган эди. Аммо у қайтишда Суғдга эмас Қошғардаги Фарғона ҳукмдорининг қароргоҳига йўл олади¹⁸. Қошғарда Халифа Мансур (754 – 775) ҳукмронлигининг дастлабки йилларигача турган Банижур юқорида таъкидлаганимиздек, Фарғона хукмдори номидан элчи сифатида Самарқандга юборилади. Музокарага келган Банижур арабларнинг дастлабки талаби исломни қабул қилишни рад этиб: “Мени юборган шоҳга (Фарғона хукмдори назарда тутилмоқда) хиёнат қилмайман”, деб ўз сўзида қатъий туриб олади. Шундан сўнг у зинданбанд этилади. Яъқубийнинг келтирилича, Банижур Халифа Маҳдий ҳукмронлиги бошланishiiga қадар қамоқда сақланади¹⁹. Афтидан Фарғона хукмдори ва арабларнинг келишуви амалга ошмайди. Фарғона хукмдори эса яна узоқ вақт Қошғарда яшашга мажбур бўлади. Фақат халифа Маҳдий даврида (775 – 783) Аҳмад ибн Асаднинг юришидан кейин Фарғона подшоси расман халифалик ҳокимиятини эътироф этди ва Косонга қайтишга рухсат олди²⁰. Айрим адабиётларда бу воқеа Бухорода 776 йилда бошланган Юсуф ал-Барм исёни²¹ вақтида юз берганлиги таъкидланади. Юсуф ал-Барм қўзғолони ҳам Хуросондаги

¹⁶ Яъқубий. Таърих. Pars 2. – Р. 374

* Изоҳ 7.: Мансур ал-Лайс – Умавийлар сулоласи ҳукмронлиги давридаги сўнги Хуросон ноиби Наср ибн Сайёрнинг ўғли. Қаранг: Бартольд.В.В. Туркестан.... – С. 259.

* Изоҳ 8.: Матнда **فیران بن افراءکفرن** тарзида ёзилган ва юқоридаги ўқилиши ҳам шартлидир. Қаранг: Яъқубий. Таърих. II. – Р. 466.

¹⁷ Яъқубий. Таърих. II. – Р. 466.

* Изоҳ 9.: Матнда **باتیجور** (Батижур) кўринишида қайд этилган. Аммо Ш.Камолиддин ўзининг “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” даврий тўпламининг 2003 йил №3 сонидаги мақоласида Банижур кўринишида вариантидан фойдаланган. Қаранг: Камолиддин Ш. Новые данные о потомках царя Согда Гурака // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.2003. №3. – Б. 63-68.

¹⁸ Камолиддин Ш. Новые данные о потомках царя Согда Гурака // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.2003. №3. – Б. 66.

¹⁹ Яъқубий. Таърих. II. – Р. 467.

²⁰ Яъқубий. Таърих. II. – Р. 478-479.

²¹ Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане в VIII – начале IX в. – Ташкент: Фан, 1965. – С. 125.

тартибсизликлар натижасида Фарғона ва Суғдда арабларга қарши ҳаракатларнинг кучайиши натижасида кўтарилиган эди²². Демак, Асад ибн Аҳмаднинг Фарғонага юриши таҳминан 776 – 777 йилларда содир бўлган, деб хулоса қилишимиз мумкин.

Манбанинг сўнгида турли худудлар ҳукмдорларининг мартабаларини санаба ўтади. Фарғона ҳукмдорларига келганда “Ф-р-й-а-н”* тарзида зикр этилади. Фарғона ҳукмдорлари турли манбаларда, жумладан ибн Хурдодбех асарида ҳам “ихшид” шаклида келтирилади²³. Юқорида келтирилиган ҳукмдор титули бошқа манбаларда учрамайди. Унинг қандай маъно англатиши ҳам ҳозирча ўз ечимини топгани йўқ. Асарда келтирилиган Фарғона ҳукмдорининг Фийрон ибн Афрокфарн тарзида исми, ҳамда “Ф-р-й-а-н” тарзидаги унвон келиб чиқишига кўра суғдий исмларга яқин туради. Чунки ушбу исм ва унвон Муг архивининг В-17 ҳужжатида Хахсар ҳокими деб қайд этилган Афарун, А-14 ҳужжатидаги²⁴ Панч ҳокими Деваштичнинг элчи сифатида тилга олинган Фатуфарн каби суғдий исмларга жуда ҳам яқиндир²⁵. Агар Яъқубий келтирган маълумотларни тўғри деб қабул қилсак, унда Қошғарда истиқомат қилиб турган Фарғона ҳукмдори келиб чиқишига кўра туркий эмас, балки Фарғонани узоқ йиллар давомида идора этган маҳаллий сулола вакиллари эканлигини англашимиз мумкин.

Фарғона ҳам Мовароуннахрнинг бошқа мулклари қатори Рофье ибн Лайс қўзғолонида иштирок этгани тўғрисидаги хабар “Таърих”да келтирилиган муҳим маълумотлардан биридир²⁶. Унда келтирилишича Хорун ар-Рашид (786 – 809) қўзғолонни бостириш учун Самарқандга Харсама ибн Аъянни юборади. Харсама ибн Аъян Рофье ибн Лайснинг кўплаб тарафдорларини ўлдиргандан сўнг, у қарлуқлар етакчиси, Фарғонада арабларга қаршилик тарафдори Жабуядан ёрдам сўрайди²⁷. VIII асрнинг 90-йилларида Фарғонада ҳокимиятни яна қарлуқларнинг ябғуси юқорида тилга олганимиз Жабуя ўз қўлига олади²⁸. Шу сабабдан Хорун ар-Рашид даврида араблар Фарғонага юриш қилишга мажбур бўлдилар. Бу сафар Хорун ар-Рашидинг Мовароуннахрдаги ноиби Ғитриф Ато халифанинг буйруғи билан Фарғонага Амр бинни Жамил бошчилигига қўшин юборди. Бу юришдан асосий мақсад арабларга қарши курашда Фарғона ҳукмдорини қўллаётган қарлуқ ябғуси Жабуяни²⁹ водийдан кувиб чиқариш эди. Аммо Амр бинни Жамил мағлуб бўлди ва араблар бу юришдан қўзлаган мақсадига эриша олмадилар³⁰. Ал-Яъқубий ўз

²² Яъқубий. Таърих. II. – Р. 478.

* Изоҳ 10.: Матнда فربان تарзида келтирилиган. Қаранг: Яъқубий. Таърих. Pars 2. – Р. 480.

²³ Ибн Хордатбех. Книга путей и стран. Перевод с арабского, комментарии, исследование, указатели и карты Н.Велиховой. Баку. Элм, 1986. – С. 63.

²⁴ Согдийские документы с горы Муг. Вып. II: Юридические документы и письма / Чтен., пер. и comment. В.А. Лившица. – М.: ИВЛ, 1962. – С. 77–91; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 228–236.

²⁵ Атаходжаев А.. Фарғона подшоси Алутарнинг илк ўрта асрлар тарихидаги ўрни //Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда республика илмий-назарий конференцияси материаллари. Фарғона: 2012. – Б. 148.

²⁶ Яъқубий. Таърих. II. – Р. 378-379.

²⁷ Ўша жойда.

²⁸ ابو سعید عبدالحی بن ضحاک بن محمد گردیزی. تاریخ گردیزی. به تصحیح و مقابلہ: عبدالحی حبیبی. تهران: دنیای کتاب، 1343. – ص. 276

²⁹ Ўша жойда

³⁰ Бернштам А.Н. Древняя Фергана. – С. 26.

асарида таъкидлаган Жабуя Рофеъ ибн Лайс ёрдам сўраган вақтда катта эҳтимол билан Фарғонада эди, деб айтиш мумкин. Жабуянинг қўзғолончиларга ёрдам юборганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ. Аммо Рофеъ ибн Лайс қўзғолонини “мусулмон ва сultonлар”га қарши кайфиятдаги Фарғона ва Хўжанд аҳолиси қўллаб-куватлайди³¹. Шу билан бирга асардан Жабуянинг халифа Махдий даврида исломни қабул қилгани, аммо Рофеъ ибн Лайс қўзғолони вақтида ислом динидан чиқиб, араб саркардаси Харсамани алдаб аслида Рофеъ ибн Лайсга ёрдам берганлиги каби муҳим маълумотлар ҳам ўрин олган³².

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, Яъкубийнинг “Таърих” асари Фарғонанинг араблар даври тарихини ёритишида бирламчи манбалар сирасига киради. Гарчи муаллиф бир неча воқеаларни Маъсудий ва Табарийга суюнган ҳолда ёритган бўлса-да, у келтирган Фарғонанинг Қутайба томонидан тўлиқ эгалланмаганлиги, Фарғона ҳукмдорларининг Қошғардаги ҳаёти, уларнинг Фарғонага қайтиши, фарғоналикларнинг Рофеъ ибн Лайс исёнида иштироки тўғрисидаги маълумотлари бошқа манбаларда учрамайди. Юқоридаги жиҳатлардан мазкур асарни ўзбек тилига таржима қилиш, ундаги муҳим маълумотларни илмий муомалага олиб кириш ҳамда улар асосида ҳозирги кунда илмий ва ўкув адабиётларимизда мавжуд айрим бўшлиқларни тўлдириш зарур эканлигини кўрсатмоқда.

³¹ Яъкубий. Таърих. II. – Р. 528.

³² Yuldashev S.B. *Ferghana in the VII century: It's development as a powerful state and its collapse* // History Reseach Journal. 2019 vol. 5. Issue 6. – P. 2952–2964; Yuldashev S.B. *Samanids of Ferghana* // International journal for social studies. 2020. vol. 6. Issue 01. – P. 120–135; Yuldashev S.B. *The impact of the Aksu battle on Ferghana* // ERPA International Journal of Research and Development. 2020. Vol. 5 (8). P. 60–64. DOI: <https://doi.org/10.36713/epra4917>; Yuldashev S.B. *Early arab invasions of Fergana* // «Евразийский Союз Ученых» научный журнал. – Москва, – 2020. – № 8 (77/4). – P. 31–35; Isamiddinov M. The history of emergence of Sughd Cities // EPRA International Journal of Research and Development. Volume:5, Issue:10, October 2020 India. – P. 125–128; Mirsoatova S.T. New data on the late paleolithic of the Fergana valley // Евразийский союз ученых (2020. – № 10 (79/4). – P. 25–29; Faranova G.K. The role of the geographic environment and climatic conditions in the formation of economic-cultural type of population when during ancient and antic period // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. Vol. 10, Issue 11, November 2020. – P. 1612–1622. Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13. DOI: 10.5958/2249-7137.2020.01639.0.; Rakhmatillayev H. Ethnodynamics of the city population of the Fergana valley of the first half of the XX century // EPRA International Journal of Research and Development. Volume: 5, Issue:5, May 2020. – P. 532–535; Arslonzoda R. Memoirs as asourse on the history of Uzbekistan in the second half of the 19th – early 20th centuries // EPRA International Journal of Research and Development. Volume: 5, Issue:10, October 2020. – P. 119–124; Mahmudov O. *The beginning of the European renaissance*. ERPA International Journal of Research and Development. 2020; Vol. 5 (7). – P. 104–108. DOI: <https://doi.org/10.36713/epra4787>; Yuldashev S. Visit of chinese ambassador dung wan to Fergana // The history of the Fergana valley in new researches. – Fergana, 2021. – P. 123 – 131. <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1240>; Khamayev N.M. The essence of the armed struggle against soviet power in Turkestan in the interpretation of journalists // Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). 2020. – Vol-09. Issue-11, November 2020. – P. 146-150.